O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
10 MAY
JUMA
№ 58 (26.917)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

## ГЕРХАРД ШРЁДЕРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шрёдер 9 май куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов кутиб олди.

Ушбу тарихий ташриф икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар жадал юксалиб бораётгани, эндиликда ўзаро ҳамкорликни ҳар жиҳатдан янги босқичга кўтариш, кўламини янада кенгайтириш зарурати туғилганидан далолатдир.

Президент Ислом Каримов бир йил муқаддам Германияга расмий ташриф билан борган эди. Ўша ташриф асносида кўплаб келишувларга эришилди, алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қиладиган ҳужжатлар имзоланди. Мамлакатимиз раҳбари ўшанда ГФР канцлерини Ўзбекистонга таклиф этганди. Германия канцлерининг бугунги ташрифи Ўзбекистон ва Германиянинг ўзаро алоқаларни кенгайтиришга интилиши бир хилда кучли эканини англатади.

Айни пайтда томонлар Г. Шрёдернинг ташрифи Ўзбекистон — Германия муносабатларидаги муҳим босқич бўлишига ишонч билдирмоқда. 10 май куни Дўрмон қароргоҳида ўтадиган музокаралар бу ишончни тасдиқлаши шубҳасиздир.

■ (ЎзА)

# ХОТИРА — МУҚАДДАС, ҚАДРЛАШ ЭСА БУРЧДИР

### КЕЧА ТОШКЕНТДАГИ ХОТИРА МАЙДОНИДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИНИ НИШОНЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ИШТИРОК ЭТДИ

Бир неча йилки, Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига биноан мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланмоқда. Бу йил мазкур байрам Қарияларни қадрлаш йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ҳам, Қадр ҳам, аввало, кекса авлод ҳаётига эҳтиром билан боғлиқ тушунчалардир.

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони одамлар билан янада гавжум бўлди. Эрта тонгданоқ бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, қалбида нуронийларга, ўтган авлодлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром жўш урган ёшлар йиғилди. Майдон узра сокин мусиқа садоси ёйилади.

Майдонга кириб келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маросимга йиғилганлар билан бирма-бир саломлашиб, ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз иккинчи жаҳон урушида, Ватан равнақи ва озодлиги йўлида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

— Хотира ва қадрлаш халқимизга хос, миллий ўзлигимиз, урф-одатларимиз билан чамбарчас боғлиқ муқаддас тушунчалардир, — деди давлатимиз раҳбари журналистлар билан суҳбатда. — Шунинг учун бугун нишонлаётганимиз Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос ўрнини топган халқона маросим бўлиб қолди.

Вазирлар Маҳкамаси мазкур байрам муносабати билан иккинчи жаҳон уруши фахрийларини рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу давлатимиз томонидан уларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, нуронийларимизнинг ҳар доим диққат-эътиборда эканини кўрсатувчи хайрли ишлардан бири бўлди.

— Бугун кўплаб мамлакатларда Ғалаба куни кенг нишонланяпти, — деб гапида давом этди Президент. — Ҳарбий параду бошқа дабдабали маросимлар ўтказилмоқда. Бироқ эътиборингизни масаланинг бошқа томонига қаратмоқчиман. Бундай ҳарбий парадлар, ўз кучини намойиш этишлар, истайсизми-йўқми бари бир яна уруш нафасини эслатади. Шунинг учун имоним комилки, бир кун келиб ўша давлатларда ҳам Ўзбекистондаги каби эзгу маросимлар пайдо бўлади. Зеро, хотира абадийдир. Ўтганлар ёдини эсда сақлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром бажо этиш авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарзлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор. Инсон бор экан, хотира ва тарих мангудир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, иккинчи жаҳон уруши кўпчилик мамлакатлар қатори юртимизга ҳам оғир кулфатлар келтирди. Ўша йилларда 1,5 миллион ўзбекистонлик қўлда қурол билан жангоҳларга отланди. Шу ўринда Юртбошимиз бир рақамга эътиборни қаратди. Ўша йиллари Ўзбекистоннинг умумий аҳолиси 6,5 миллионни ташкил этган. Агар аҳолининг ярми эркаклар (улар орасида вояга етмаган ўғил болалар, кексалар бор) деб қарасак ҳам, бу адолатсизлик ва даҳшатнинг моҳиятини чуқур англашимиз мумкин. Бунинг устига, урушга кетганларнинг қарийб ярим миллиони она юрт тупроғидан узоқларда жон берган. 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунида уларнинг руҳи поклариға ҳурмат бажо келтириш билан бирга, шаҳидлар ортида қолган миллион-миллион кишиларга ҳам эҳтиром кўрсатилади. Шунингдек, халқимиз эрки — Истиқлол йўлида жон фидо қилганлар ҳам ҳар доим ёдимизда бўлади.

Хорижий давлатларда ватандошларимиз тақдирига дахлдор кўплаб ашё ва архив ҳужжатлари сақланмоқда. Бу ҳужжатларни юртимизга қайтариш борасида муайян ишлар амалга оширилятпи. Шу мақсадда махсус комиссия тузилган. Ислом Каримов мазкур масалага тўхталар экан, биз бу ҳужжатларни қайтариб олиш учун барча ишни қиламиз, деди.

Ислом Каримов шу ерда бир гуруҳ зиёлилар билан ҳам суҳбатда бўлди.

—Неча йилдан бери бошимизда қора кўланка солиб турган кучларнинг пайи қирқилди, — деди Президентимиз. — Аммо бир зум бўлсин биз бепарво бўлмаслигимиз керак. Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш биз учун доим долзарб масала бўлиб қолаверади. Бу йўлда биз доим миллий манфаатларимиз учун устувор бўлган сиёсатни юргизаверамиз.

Хотира майдони кун бўйи одамлар билан гавжум бўлди. Мотамсаро она ҳайкали пойи эса гулларга бурканди. Майдондан Ватан равнақи ва юрт озодлиги йўлида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш умидида бўлган зиёратчиларнинг қадами кечгача узилмади.

— 1941 йилда урушга кетиб, — дейди зиёратчилардан бири Мадамин бобо Ҳасанов. — Россия, Белорус, Болтиқбўйи республикалари, Польша, Германия каби мамлакатларда жанг қилдим. Бугун ўша суронли йилларда мен билан бир сафда бўлган, қирғинбарот жанглардан қайтмаган қуролдошларим, юртдошларимни хотирладим. Шундай озод ва эркин юртда яшаш бахтига муяссар бўлаётганим учун Яратганга шукроналар айтмоқдаман. Президентимизнинг бу йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилгани ва фахрийларга, умуман нуронийларга кўрсатаётган доимий эътибори кўнглимизни янада кўтаради.

Президентимиз таъкидлаганидек, Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлаш ўтганлар руҳини шод этиб, кексаларнинг ҳурматини жойига қўйиш билан бирга ёшлар қалбида отабололаримиз жасоратининг қадрига етиш, она — Ватанга, халққа муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, шу юртга, шу халққа муносиб фарзанд бўлишдек эзгу туйғуларни сингдиришдан ҳам иборатдир.



■ Анвар БОБОЕВ,
Анвар КАРИМОВ,
ЎзА мухбирлари

Абдувоҳид ТЎРАЕВ,
Дилшод ЮСУПОВ
(ЎзА) олган сурат

## ПАХТАЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Пахта бўйича Халқаро Маслаҳатлашув Комитети (ПХМК) Доимий қўмитасининг навбатдаги ялпи мажлиси биринчи маротаба Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида бўлиб ўтди. 1939 йили тузилган ПХМКга ҳозирги пайтда пахта толаси экспорт қилувчилар ҳамда унинг истеъмолчиларидан иборат бўлган 43 давлат аъзо ҳисобланади. Ўзбекистон 1992 йилдан эътиборан ушбу қўмита аъзосидир.

Ялпи мажлис ишида дунёнинг турли мамлакатларидан ПХМК Доимий қўмитасининг 30 дан зиёд аъзоси иштирок этди.

ПХМК ижрочи директори Т.Таунсенд тадбир иштирокчиларини қутлар экан, Доимий қўмитанинг ушбу ялпи мажлиси Ўзбекистон элчихонасида ўтаётгани рамзий маънога эга эканини алоҳида таъкидлади. У Ўзбекистон пахта етиштириш ва пахта толасини экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллашини қайд этди.

Жаҳон пахта саноатининг долзарб масалалари, жумладан, пахта толаси бозоридаги ҳозирги аҳвол ва унинг истиқболлари, субсидияларни бартараф этишга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ фаолияти, «Пахта ва кўп томонлама савдо музокаралари» мавзуида бўлажак конференцияга тайёргарлик кўриш сингари масалалар ушбу мажлис кун тартибидан жой олди. Мазкур конференцияни Жаҳон банки билан биргаликда 2002 йил 8-9 июль кунлари Вашингтонда ўтказиш режалаштирилган.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Ўзбекистон ҳукуматининг пахта толаси сифатини янада яхшилаш, сўнгги илмий ютуқлардан қўлланган ҳолда янги истиқболли навларни яратиш, бозор муносабатлари асосида тармоқни ислоҳ қилиш юзасидан кўраётган чора-тадбирларига ялпи мажлис иштирокчилари алоҳида эътибор қаратишди.

■ «Жаҳон» АА.

## DUNYO

VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

### ЭРТАЛАБ 9 ДАН 45 ДАҚИҚА ЎТГАНДА...

Кеча Ғалаба байрамини нишонлашаётган пайтда, яъни эрталаб соат 9 дан 45 дақиқа ўтганда Доғистоннинг Каспийск шаҳрида юз берган кучли портлаш оқибатида 29 киши ҳаётдан кўз юмди. Улар орасида 12 нафар ўспирин, 15 ҳарбий хизматчи ва икки фуқаро бор эди. Террорчилик акти натижасида ҳаммаси бўлиб 137 киши жабр кўрди. 25 киши тезда Каспийск шифохонасига ётқизилди, 83 нафари эса Махачқалъанинг учта шифохонасида даволанмоқда.

Кеча содир этилган террорчилик акти сабаб ҳалок бўлганлар хотирасига бугун Доғистонда мотам куни эълон қилинди.

### ЕВРОПА БЎЙЛАБ

АҚШнинг мартабали аёли Лора Буш хоним 13 майдан 22 майгача Европа бўйлаб сафарга чиқишга қарор қилди. У Франция, Венгрия ва Чехияда бўлиб, сафарини Германиянинг Берлин шаҳрида якунлайди. Европа бўйлаб сафардан мақсад Афғонистонга ёрдам кўрсатиш бўйича музокаралар олиб боришдир.

### ПРЕЗИДЕНТ ОТАСИНИНГ ҚАБРИНИ ЗИЁРАТ ЭТДИ

Кеча Украина Президенти Леонид Кучма Ғалаба байрами муносабати билан Киевдаги «Номаълум солдат қабри»га гулчамбар қўйгач, Новгород вилоятидаги отасининг қабрини зиёрат этиш учун Россияга борди. Унинг отаси сержант Даниил Кучма Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва Новгороддан 30 километр наридаги Новоселица қишлоғи қабристонига дафн этилган.

### ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ ИШДАН БЎШАТИЛДИ

Туркманистон президенти Сапармурод Ниёзов мамлакат бош вазирининг молиявий масалалар бўйича ўринбосари, Марказий банк раиси Сеитбой Қандимовни эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш тўғрисида фармон чиқарди.

Президент Туркманистон хукуматининг кенгайтирилган мажлисида сўзга чиқиб, Қандимовни «хизмат вазифасини суиистеъмол қилганликда, таъмагирликда ва ножўя хатти-ҳаракатлар қилганликда» айблади.

Эндиликда икки вазирликни бир киши бошқарадиган бўлди, яъни аввал бош вазирнинг иқтисод масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган Энебой Отаев бош вазирнинг иқтисод ва молия бўйича ўринбосари — иқтисод ва молия вазири этиб тайинланди.

## «ҚАДАМ-БАҚАДАМ» ГРАНТИ

Қашқадарё вилоятидаги «Келажак» — оила учун ахборот-маслаҳат ресурс маркази «Винрок Интернэшнл» ташкилоти билан ҳамкорлик қилиб, АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД)нинг махсус грантини олишга муяссар бўлди.

«Қадам-бақадам» деб аталадиган бу грант лойиҳаси вилоятнинг қишлоқларида истиқомат қилаётган аёлларнинг саводхонлигини оширишга йўналтирилган. Лойиҳада бир йил давомида махсус ахборот бюллетени чоп этилиши ҳам кўзда тутилган. Ушбу ихчам нашрда «Келажак» маркази, вилоятдаги турли нодавлат ташкилотлар фаолияти ҳақидаги маълумотлар, ҳуқуқшунос, руҳшуносларнинг маслаҳатлари бериб борилади. Шунингдек, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб туманларида семинар ҳамда тренинглар ташкил этилади.

■ Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

## ЭКСПОРТ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Жиззах шаҳридаги «Адаш ипаги» деб номланган Ўзбекистон — Вьетнам қўшма корхонасининг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин ўтган қисқа вақт ичидаёқ бу ерда ишлаб чиқарилаётган нафис ипак толаларига бўлган талаб ортди. Ўзимизда фаолият кўрсатаётган «Дамир» фирмаси билан Вьетнамнинг «ASIA SILK» корпорейшн компанияси ҳамкорлигида барпо этилган «Адаш ипаги» қўшма корхонасининг умумий жамғарма фонди 210 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, у вилоятда етиштирилаётган пилла ҳосилини қайта ишлаб, воҳанинг экспорт имкониятини юксалтиришга мўлжалланган.

— Шаҳардаги 1-қурилиш ашёлари комбинатининг яроқсиз иншооти базасида барпо этилган корхонамиз йилига 350 тонна пиллани қайта ишлаб, 100 тонна ипак толаси ишлаб чиқариш имкониятига эга, — дейди қўшма корхона раҳбари, техника фанлари номзоди Абдуҳабиб Азимов. — Эътиборли жиҳати шундаки, биз маҳаллий хомашё ҳисобига ишлаймиз ва тайёрлаган маҳсулотимиз юз фоиз хорижга экспорт қилинади.

Айни пайтда бир кеча-кундузда 1 тоннадан зиёд пиллани қайта ишлаш қувватига эга бўлган корхонада 300 нафардан зиёд киши меҳнат қилаяпти. У ўз фаолиятини кенгайтиргач, ипак толасидан калава иплар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади ва қўшимча яна 200 ишчи ўринлари яратилади.

■ Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

## «САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ»

Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 январдаги қарорига асосан ташкил этилган «Саломатлик поезди» Навоийга етиб келди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод» республика жамғармаси ҳомийлигида ташкил этилган бу тиббий поезд вилоятнинг чекка туманлари — Учқудуқ, Конимех, Томди чорвадорлари, қарияларга хизмат кўрсатмоқда. Шифокорларнинг сафари 10 кун давом этиши мўлжалланган. Улар 7 миллион сўмлик зарур дори-дармонлар олиб келишган.

— Мақсад фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиб, саломатликларини муҳофаза қилиш, зарур дори-дармон билан таъминлаш, — дейди «Саломатлик поезди» раҳбари, 1-ТошМИ клиникаси бош шифокори Мурод Қодиров. — Шунингдек, соғлом турмуш тарзи, экологик маданият, баъзи касалликларнинг олдини олиш хусусида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилади.

■ Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

**Ислом КАРИМОВ:**

# ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ ХАЛҚИМИЗГА ХОС, МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ, УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ МУҚАДДАС ТУШУНЧАЛАРДИР.

# ҚАДР ОНЛАРИ

## МАМЛАКАТИМИЗ ПОЙТАХТИ — ТОШКЕНТДАГИ ХОТИРА МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

Тўрт йилдирки, Президентимиз ташаббуси ва Фармони билан 9 май — мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланмоқда.

Тўрт йилдирки, халқимизнинг Ватан озодлиги, мустақиллиги йўлида жон фидо этган фарзандлари руҳларини хотирлаш, уларнинг муборак номларини абадийлаштириш — бутун Ўзбекистон аҳли учун фарзли, қарзли бурч бўлиб қолди.

Тўрт йилдирки, эл-юртимиз обрўйини юксалтириш ва ёшларни тарбиялаш ишларига ҳамон жонбозлик билан ҳисса қўшаётган фахрийлар ҳурматини жойига қўйиш — миллий қадриятларимизга, миллий анъаналаримизга айланди.

Бир сўз билан айтганда, бу кун нафақат жанг майдонларида қурбон бўлганларни хотирлаш, балки фронт ортида фидокорона меҳнат қилган отахону онахонларимизга иззат-икром кўрсатиш, мустақил Ўзбекистон тараққиётига ўз улушларини қўшиб келаётган фахрийларимизни, қарияларимизни ардоқлаш борасидаги хайрли, савобли ишларимиз рамзидир.

Пойтахтимизнинг Хотира майдонига ташриф буюрган минглаб юртдошларимиздан бири — Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, пенсионер, тошкентлик, **Ҳамидулла Расуловнинг сўзларига қулоқ солинг:**

— Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги 3 май куни эълон қилган қарори, биз, фахрийларга бўлган ҳурматнинг, эътиборнинг ёрқин намунаси. Гап — моддий рағбат, совға-саломлар ёки уларнинг катта-кичиклигида эмас, балки **Инсон**га бўлган эътибордадир. Кимки ўтганларни эслаб, тирикларни иззатласа, илоҳо, Оллоҳ ҳам уларни иззат қилсин, карамини аямасин, Оллоҳи акбар...

**Назармат, шоир, журналист, уруш қатнашчиси, захирадаги зобит:**

— Хотира — нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунни тўғри тасаввур этиш дегани ҳамдир. Хотира инсонни келажакка очиқ кўз билан қарашга ўргатади. Дарвоқе, бугунги ёшлар оталаримизнинг, оналаримизнинг юртимиз эрки ва озодлиги, миллатимиз равнақи йўлида чеккан заҳматлари, кўрсатган жасоратларини унутмаслиги, улардан ибрат олиб яшашлари даркор.

**— Норгул ЖУМАЕВА, Жиззах вилояти, Зарбдор (асли Самарқанд вилояти, Қўшработ) туманидан:**

— Мен бугун бу Мотамсаро она ҳайкали олдида бош эгиб, таъзим қилишга келдим. Унинг тимсолида нақ ўзимни кўриб турибман. Ёшим 80 га бориб қолди. Эрим раҳматли урушга кетди-ю, қайтмади. Ном-нишонсиз эди. Юртбошимизнинг боши омон, умри узоқ бўлсин, манови мармар лавҳалар шу одамнинг иши-да! Рўйхатларда эрим раҳматлининг ҳам муборак исми-шарифларини ҳар гал кўриб, гўё у киши билан гаплашиб олгандек бўламан... кўзимдан қуйилиб ёш келади... Ном-нишони топилганига шукур... Ўзим фронт ортида меҳнат қилдим: ер чопдим, чигит экдим, пахта тердим, мол боқдим, ғалла ўрдим — колхозда нима иш тўғри келса қилавердим. Эримдан қолган ёдгорлик — бир ўғил, бир қизимга ҳам ота, ҳам она бўлдим. Ўғлим — врач, қизим — ўқитувчи, бир этак набирларим бор... Аттанг, уларнинг бахти-камолини эргинам кўрмай кетди, жойи жаннатда бўлсин...

— Инсон хотираси — азиз, муқаддас, — суҳбатга қўшилди....

**— Абдулла Ғоффоров (Бекобод туманидаги Ойбек номли жамоа хўжалиги, муаллим):**

— Тўрт йилдирки бу қутлуғ майдонга Хотира ва Қадрлаш куни келиб тураман. Отамнинг номи ёзилган мармар лавҳа олдида тиловат қиламан. Зиёратга келувчиларнинг узлуксиз сафларини, уларнинг кўзларига ёш олиб, уруш қурбонлари руҳи покларига фотиҳа қилаётганларини кўриб, мамлакатимизда амалга оширилаётган савобли ишларга берилаётган муносиб баҳони сезгандек бўламан...

**— Қадрлаш деганда нимани тушунасиз?** — сўраймиз кенжа қизи Маликахонни етаклаб келаётган эр-хотиндан.

— Қадрлаш, — деб жавоб қилди эри, **Тошкентдаги «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси хизматчиси, муҳандис Жўрақул Азизов,** — хонадонларимизга файзу барака бағишлаб, қилаётган ишларимизга оқ фотиҳа тилаб ўтирган қарияларимиз ҳурматини бажо этиш...

... Суҳбатдошларимиз билдирган фикрларни эшитдингиз, уларнинг сўзларидаги хотира, қадр-қиммат, ҳурмат, эъзоз, оқибат, иззат-икром сингари ибораларнинг мазмун-маъноси бутун қирралари билан ифода этилган тавсифларни ҳам ўқидингиз. Гап — бу ерда уларнинг бурро-бурро, чертиб-чертиб сўйлаган чиройли сўзларида эмас, балки уруш даҳшатларини кўрган, фронт ортида заҳматлар чеккан, истибдод зулмини тортган ва ниҳоят, истиқлол кунларига етган фахрийлар билан ёнма-ён, елкама-елка, бақамти яшаётган катта-кичик ватандошларимиз маънавияти бойиб, қалбларидаги мунаввар хотиралар уйғониб (Хотира — уйғоқлиги билан гўзал!), фахр туйғулари ниш отиб, куртак очиб, онгларида, шуурларида муҳрланиб бораётганида...

... Ушбу сатрларни қоғозга тушираётиб, радиода болалар айтаётган бир қўшиқ матни диққатимизни тортди:

*Яшасак бу дунёда*
*Ватан учун яшайлик,*
*Ўзбекистон аталмиш —*
*Чаман учун яшайлик.*

...Қўшиқ Ватанни деб, Ўзбекистон аталмиш чаманни деб жонини жабборга берган уруш қурбонлари ва истибдод йиллари заҳматкашларининг хотирасини доим ёд этишга, мўътабар қарияларимиз қадрини, иззат-икромини жойига қўйишга, улардан ибрат олиб, ҳаваслaниб яшашга, меҳнат қилишга даъватдек туюлди бизга.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# МАРҲУМЛАР ЁД ЭТИЛДИ, ҚАРИЯЛАР ҚАДРЛАНДИ

«Ўтмишни билмай, келажакни қуриб бўлмайди», дейилади халқ мақолида. Дарҳақиқат, шундай. Зеро, биз тарихимизга назар ташлаб, буюк аждодларимиз номини, уларнинг халқ ва мамлакат фаровонлиги учун жон фидо қилганликларини билганимизда, бунга минг карра иймон келтирамиз.

Тарих саҳифаларига кўз ташласак, ўзбекистонлик учувчилар иккинчи жаҳон уруши йилларида жасорат ва матонат намуналарини кўрсатганлигига гувоҳ бўламиз. Фашизмга қарши жангларда кўплаб ватандошларимиз ҳалок бўлишди. Тошкент аэропорти штабида улар хотирасига ёдгорлик ўрнатилган.

9 май — Хотира ва Қадрлаш кунида Тошкент аэропорти штабида иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлганлар хотираси ёд этилди, қариялар қадрланди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК раҳбарияти, Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти ва Тошкент аэропорти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда фахрийлар учун дастурхон ёзилди, улар шаънига илиқ сўзлар айтилди.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

✧✧✧

***Суратларда:*** *9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан аэропорт штабида ўтказилган тадбирлардан лавҳалар.*

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

# 31 БАҲОРНИ ҚАРШИЛАЁТГАНДА...



Инсон қалб оламидаги хотиралар, азиз туйғулар, сокин дарё каби оқаверади. Баъзан улар уйғоқ тўлқинларга айланади. Кўнгил денгизи секин чайқалади. Қалб қирғоқларига урилган тирик хотиралар, босиб ўтилган умр йўлларига нигоҳ ташлайди.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, унинг юрагида жойлашган хиёбон, унда адл ўсаётган, улкан чинорлар, улар билан баҳс бойлашгандек, илму маърифатда юксалган — юксалаётган замонамиз забардаст олимлари кўз олдимизда гавдаланади. Не-не шоиру олимларни кўрмади бу қутлуғ даргоҳ. Кимларнинг қадами етмади бу ерга?

Илҳом Ҳасанов, у бир чақмоқ янглиғ кўнгил оламимизни ёритиб кетди. Ундан таралган зиё, маърифат минглаб қалбларни ҳайратга солди. У умр мазмуни нима эканлигини, ҳар бир сонияннинг қадр-қиммати борлигини бизга англатди.

Илҳом Ҳасанов қадим Бухоронинг Шофиркон туманида таваллуд топди. 1975-1991 йиллар давомида ҳаётини СамДУ билан боғлади. У йигирма беш ёшида «Асқад Мухтор романларининг поэтикаси» мавзусида илмий тадқиқот олиб бориб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эришди.

Унинг қаламига мансуб қиссалар, ҳикоялар, илмий мақолалар, республикамизнинг турли нашрларида эълон қилинган. 1991 йилда «Ой тиниқлашар» номли китоби нашр этилди. «Бир кам дунё» трагиккомедияси турли йилларда Бухоро, Каттақўрғон, Жиззах драма театрларида сахналаштирилди.

У катта йўлга чиққан, кичик карвон янглиғ, ўтмишимиз, келажагимиз ҳақида муҳим тадқиқотлар яратиш йўлида изланар, мудом шошиб, елиб югурарди. Лекин минг афсуски, 1991 йилда юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли орамиздан эрта кетди. Эндигина 31 баҳорни қаршилаётган ёниқ юлдуз сўнди. Умид ғунчаси очилмай сўлди. Юракларимизни изтиробу аламларга ташлаб, қалбимизни соғинчда қолдириб кетди. Унинг вафотидан ларзага келган профессор Нуриддин Шукур шундай деб ёзди:

***Таянчим эрди Илҳомим,***
***Таянчимдан жудо бўлдим.***
***Қувончим эрди Илҳомим,***
***Қувончимдан жудо бўлдим.***
***Жаҳондан ўтса устозлар,***
***Қолур шогирди мумтозлар.***
***Юпанчим эрди шу сўзлар,***
***Юпанчимдан жудо бўлдим.***

Ёзувчи Хайриддин Султонов Илҳом Ҳасановнинг ўзига кўриш насиб этмаган китобига ёзган сўзида шундай деган эди: «*У Хотира куни ота юрти Бухорога келган — марҳум аждодлари, хеш ёрлари руҳини йўқламоқ ниятида эди. Эртаси эса Самарқандга — унга таълим берган, вафодор ёр ато этган, суюкли фарзанд, фозил бир зиёлига айлантириб бағрига босган ватанига қайтар экан, машъум фалокат... Дўстимиз, укамиз, биродаримиз — яхши инсон, покиза қалам соҳиби Илҳом Ҳасан Хотира кунида бизнинг барчамиз учун, аламли, армонли хотирага айланиб қолди...*»

Лекин кўнгилга таскин берадигани шуки, у ўз асарлари, эзгу амаллари билан дўстлари, шогирдлари қалбида абадий яшайверади. Илҳом Ҳасановнинг ўзи ёзганидек: «*Шукур, дунёдан беиз кетмайди, ортидан бўзлайдиган фарзандлари қолади. Улар сиймосида, уларнинг фарзандлари фарзандларининг ҳам фарзандлари сиймосида яшайверади. Инсон умрининг мангулиги ҳам, узлуксизлиги ҳам шунда-да ахир*».

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

# МЕН БИЛГАН ДОНИШМАНДЛАР

Боланинг қуввати оёғида экан: чопиб, югуриб чарчамайди. Қариянинг қуввати дилида экан: тўғри йўл кўрсатади — адашмайсиз, дуо қилади — куч олиб, кўкарасиз.

Ҳаёт — улкан мактаб. Сиздан ёши улуғларнинг барчаси сабоқ берувчи мударрислардир.

Мен аслида тиббиёт ходимиман. Лекин кўнглимда адабиётга, ижодкорга муҳаббат кучли.Шунданми,барча дўсту биродарларим ижодкорлар. ТошТИда ўқиб юрганимдаёқ улар билан дўстлик ришталарини боғлаган эканман. Улар билан учрашувлар жони-дилим эди. Абдулла Ориповнинг қандай янги шеъри чиқса, дарҳол ёд олардим. Элимнинг кўзга сургулик зиёли инсонлари билан ёнма-ён бўлиш тақдиримда борлигидан бахтлиман. Масалан, Озод Шарофутдиновни ҳақли равишда маънавий устозим дея оламан. Беруний мукофоти лауреати, «Буюк хизматлари учун» ордени нишондори, зукко адабиётшунос олимдан инсоний сабоқлар олганман. Устоз тузини ичганман. Панду насиҳатларини эшитганман, элимнинг шундай улуғлари борлигидан фахрланаман. Чин сўзим, Озод аканинг нуроний чеҳрасига кўзи тушган одамнинг ғубори тарқайди. Хонадонини айтмайсизми, нур бор, барокат бор. Шарофат опа билан кўша қариётган устозга фақат ҳаваслaнасиз. Қирқ йилдан ортиқ «Ўзбекфильм»да муҳаррирлик қилган Шарофат Қўшбоева ҳозир нафақада, уй бекаси. У кишининг саводхонлиги ва фаришталигини айтмайсизми? Ўйлаб қарасам, Шарофат опа билан кўп гаплашибман, қайси масалада бўлмасин, доим тўғри йўлни кўрсатибдилар. Донишманд эканлар. Ҳаётнинг бутун баланд-пастларини, иссиқ-совуғини, яхши-ёмонини биргаликда бошидан кечириб келаётган бу икки улуғ инсоннинг дуоларини олиш насиб этди, менга. Шундан шодман.

Ёш бўлсам-да, тенгқурларим қолиб, ёши катталар даврасига интилавераман. Бу яхшими, ёмонми — билолмадим. Асалари болни узоқлардан қидиргандай ширасы, мағзи бор суҳбатларга муштоқлик сезаман. Шундай интиқлик мени Саид Аҳмад ака билан ҳам боғлади. Ҳаётда ҳеч ким Саид Аҳмад акачалик қийинчилик кўрган бўлмаса керак ва ишонч билан айтаман — ҳаётда Саид Аҳмад акачалик қувноқ, латифагўй инсон ҳам йўқ. У кишининг донишмандлигини айтмайсизми.

Ҳаётда олган дастлабки сабоғим шу бўлди — қалби бой инсон, ўқимишли, билимли одам барибир бошқача бўларкан, юксакроқ бўларкан. Шу ўринда онам ҳақ: «Ўқиган билан ўқмаганнинг осмон билан ерча фарқи бор».

Мен яна бир олима, моҳир таржимон билан туз-намак бўлганман, хонадонида икки йилдан ортиқ яшаганман. Саксондан ошган Кибриё Қаҳҳорова ўткир хотираси, серҳаракатлиги, билимдон бўлишига қарамай, ҳаётга чанқоқлиги билан ҳам мени ҳайратга солган. Опа икки минг мисрадан ортиқ шеърни ёддан биларди. Камтарин, пазанда эди. У кишидан мен яна ҳозиржавобликни, меҳнаткашлик, фидойиликни ўргандим. Хизматида бўлганимдан, тоблари қочганида муолажа қилиб, дуоларини олиб қолганимдан севинаман.

Саксондан ошган онам ҳақиқий донишманд. Биз улар билган нарсаларнинг чорагини билсак ҳам катта гап. Ўйлаб қоламан. Ҳатто подшолар ҳам кексаларни, донишмандларни йиғиб машварат ўтказганлар. Биз, кези келса, ёнимиздаги хазиналар — кексаларимизга нега боқмаймиз, сўзига қулоқ тутмаймиз, дуоларини олишга шошилмаймиз?

Ҳой, яхшилар, билиб қўйинг, Юртбошимизнинг сўзларини бир зум ҳам унутманг. Улар дейдилар: «Бизларни оқ ювиб, оқ тараган, шу юртнинг оғир-енгилини умр бўйи елкасида кўтариб келган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган бу мўътабар зотларни рози қилиш, дуосини олиш дунёдаги энг улуғ савобдир».

Савоб олишга шошилайлик, сабоқ олишга ҳам.

■ **Маматқул БОЗОРБОЕВ,**
**Гулистон шаҳри.**

# УСТОЗ АЛЛОМА

Икром Жалиловнинг ҳаёт йўли II жаҳон урушидан сўнг жангоҳлардан юртларига қайтиб келиб, милтиқни перога, блиндажларни аудиторияларга алмаштирган минглаб ота-боболаримизнинг таржимаи ҳолига ўҳшашдир. Устоз ҳаётида халқимиз бошидан кечирган барча синовлар, қийинчиликлар ўз аксини топган. Чунки юрагида олови бор, ёниб яшаш учун туғилган ҳақиқий инсонлар эл-юртни деб яшайдилар. Ватанга содиқ бўлиш, халқига беминнат хизмат қилиш, унинг оғирини енгил қилиш, керак бўлса жонини фидо қилишни улар ўзларининг фарзандлик бурчлари деб ҳисоблайдилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ўз фаолиятини бошлаган инсон, кейинчалик, илмий тадқиқот олиб боришга киришди.1958 йилда ЎзР Ф.А. фалсафа ва ҳуқуқ институтига кичик илмий ходимликка қабул қилиниб, 40 йилдан ортиқроқ бу ерда илмий-педагогик ва ижтимоий фаолиятни амалга оширган. 2001 йил январь ойидан республика юристлар малакасини ошириш Марказида давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Олимнинг илмга, фанга хусусан, ҳуқуқий фанларга қўшган ўта салмоқли ҳиссаси, Ўзбекистон ер ҳуқуқини ривожлантириш йўлида 70 дан ортиқ илмий мақола ва 3 та йирик монографиялар яратганлиги фикримиз далилидир.

Устоз аллома нафақат йирик ва иқтидорли олим, балки Ўзбекистонда аграр ҳуқуқ фани мактаби асосчисидир. У киши 14 дан ортиқ фан номзоди, 2 нафар фан доктори етиштирганлар.

Устоз мўътабар 80 ёшларига қарамасдан ҳамон шогирдлари, ҳамкасблари даврасида. Ҳеч кимдан ўз ёрдамини дариғ тутмайди. Ҳеч қачон чарчадим демайди. Фан ҳақидаги суҳбат ва баҳс-мунозаралардан қувват олади.

■ **Нормейли НОРПЎЛАТОВ**

# ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Одам боласи оламда абадий эмас, лекин унинг яхши номи, гўзал амаллари-ю ишлари, эзгуликлари боқийдир. Ҳаёт бўстонида ундан яхши фарзандлар — ўғил-қизлар қолади, бу фарзандларнинг яхшиликларига қараб, одамлар уларнинг ота-боболарига раҳматлар ёғдирадилар.

Ҳожи Шаҳобиддин Низомиддинов шундай инсон эди. Ҳаётнинг ҳамма аччиқ-чучугини тотган, турмуш-тирикликнинг барча паст-баландидан оқил, иродали инсондайин ўтган Шаҳобиддин бободан бу дунёда яхши ном, боғ-роғлару яхши фарзандлар қолди. «Одамлар бор юлдуздан юлдузлар қадар йироқ» дейди устоз шоиримиз. Шаҳобиддин бобо бир умр одамларга ҳамдам, одамлар орасида, уларнинг ташвишу қувончларини бирга тортиб, шерик бўлиб, элнинг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшади.

Сурхондарё вилоятининг тоғли Сангардак қишлоғида туғилиб вояга етган, шу ерда одамларнинг ташвишини тортиб, улғайган бобонинг умри ҳаёти — баайни эзгулик йўлида, эл улуснинг ободлиги-ю файзу фароғати йўлида кечганлигини бу тоғлардаги ҳар бир сўқмоғу ҳар бир дарахт сўйлаб турибди.

Шаҳобиддин бобо олтмиш етти йиллик умри давомида кўп меҳнат қилди, кўп ранжу машаққат тортди. 1934 йилда туғилган, меҳнат фаолиятини 1953 йилда ўрта мактабдан бошлаган бобонинг ҳаёт йўли ҳам ғоят сермазмун. Мактабдан сўнг у киши «Сангардак» жамоа хўжалигида узоқ йиллар агроном, бригада бошлиғи, бўлим бошлиғи, сўнгра ширкат хўжалигига айлантирилган шу жамоа раисининг ўринбосари, 1994 йилдан то умрининг охиригача «Сангардак» ширкат хўжалиги раиси лавозимида ишлаб келди. Элга бошчилик қилиш азал-азалдан масъулиятли вазифа саналиб келинган. Бир киши икки-уч кишининг кўнглини топиш балки осондир, лекин бутун элнинг кўнглига йўл топиш — кенгбағрлилик, оқиллик, иқтидор, катта ҳаётий тажрибани талаб қилади. Ва Шаҳобиддин бобо раҳбарлик йилларида бу ўта муҳим вазифани шараф билан уддалаб, элнинг, одамларнинг ҳурмат-иззатини қозона билди. Табиий шарт-шароитлари оғир, инжиқ келадиган тоғли ҳудудда жойлашган хўжаликни обод, озода бир манзилга айлантиришга, деҳқончилигу чорвачиликда ҳам, боғ-роғларни кўпайтириб, мўлкўл ҳосил етиштиришда ҳам халқни сафарбар қила билди. Айни пайтда халқнинг рўзғорини бут, турмушини тўкин-сочин қилишга қуюнган, ғамхўр раҳбар сифатида эл меҳрини қозона билди. Шул сабаб, Шаҳобиддин бобо тажрибали, билимдон, ишнинг кўзини биладиган меҳнат фахрийси сифатида мудом элнинг назарида бўлди. Элнинг назари эса ҳамиша инсонни, унинг номини юксакка кўтариб келган.

Бободан 12 нафар фарзанд — ўғил-қизлар қолди. Ўғиллари ҳозирги кунда мустақил Ватанимизнинг муносиб фуқаролари сифатида турли соҳаларда меҳнат қилишмоқда.

.... Шаҳобиддин бобонинг боғлари кўкламда яна барқ уриб гуллади, кўкарди, меваларга тўлди. Бу боғларда бобонинг ўзи бу йил дарахтлару барглар, япроқлар тимсолида кўриндилар. Сангардакнинг гўзал, бетимсол шаршараси ҳам бобони йўқлаб, сўроқлаб шовуллаётгандай. Бобонинг дуоларини олган ёш авлод эса улғайиб, одамлар сафига қўшилмоқдалар, одам бўлмоқдалар. Одам боласи учун одам бўлмоқликдан ўзга гўзал амал борми яна?..

■ **Сирожиддин САЙЙИД**

## ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

ХДП **Марҳамат туман кенгаши** ҳузуридаги «Мулоқот» мунозара клубининг навбатдаги машғулоти «Янгиланиш орқали юксалиш сари» мавзуида бўлиб ўтди. Суҳбат қатнашчилари — партия фаоллари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари вакиллари икки палатали парламент қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг замонавий ва мукаммал воситаларидан бири ҳисобланиши, палаталарнинг вазифалари, уларнинг бир-биридан фарқи, парламентчиликнинг босқичма-босқич янгиланиш жараёнида жамият ҳаётини янада эркинлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни тўғрисида сўз юритдилар.

ХДП **Гурлан туман кенгашида** ўтказилган ёшлар клубининг «Ёшлар — Ватан келажаги» мавзуидаги йиғилиши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими фаоллари иштирокида ўтди. Мулоқот қатнашчилари фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшлар муносиб ҳисса қўшиб, демократик йўналишдаги ёшлар ташкилотлари фаолиятини янада юксалтиришлари тўғрисида фикр юритдилар. Анжуманда «Ёшлар клублари» фаолиятини корхона, ташкилот ва маҳаллаларда ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилди.

**Жалақудуқ туман партия кенгаши** тумандаги иқтисодиёт коллежи ўқитувчи ва талабалари ўртасида «Диний ақидапарастлик ва унинг салбий оқибатлари» мавзуида «давра суҳбати»ни ташкил этди. Унинг иштирокчилари тинчликни сақлаш, диний экстремизм таҳдидларига қарши курашиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

ХДП **Наманган туман кенгаши,** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда ёшлар учун «Чоршанба оқшомлари» кўнгилочар дам олиш тадбирини ташкил этдилар.

**Андижон шаҳар** Бобур номли ип-газлама ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти шаҳардаги Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар учун маданий-маърифий тадбир уюштиришда бошқош бўлди. Болаларга ҳиссадорлик жамияти бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари концерт дастурини намойиш этдилар.

ХДП **Хўжайли туман кенгаши,** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда спортни оммавийлаштириш масалалари муҳокамасига бағишланган учрашувлар ўтказмоқда. Яқинда, шундай бир учрашувдан сўнг, партия фаоллари иккита маҳалла ҳудудида бўш жой танлаб, у ерда спорт майдончалари қуриш ишларини бошлаб юбордилар.

## ДАБУС ҚАЛЪАДА УЧРАШДИЛАР

Пахтачи тумани ҳудудидаги Зарафшон дарёси соҳилида муқаддас бир жой бор. Халқ уни «Авлиё ота» деб улуғлайди. Дабус қалъа ёки Дахбус қалъа, деб ҳам аташади. Айтишларича, қадимда бу ерда улкан шаҳар бўлган. Ундан ёлғизгина Имом Баҳра ота мақбараси қолган.

Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши Пахтачи туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда Хотира ва Қадрлаш куни арафасида бу қадамжога уруш ва меҳнат фахрийларини таклиф этиб, бир пиёла чой устида учрашув ўтказди.

Қадамжони зиёрат қилишдан бошланган тадбир сўнгра Дабус қалъаси яқинидаги кўркам чойхонага кўчди. Тўкин дастурхон атрофида эсга олинган тарихий хотиралар даврага файз киритди. Бир-бирлари билан дилдан суҳбат қурган фахрий отахону онахонлар ташкилотчиларга ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Учрашувда Халқ демократик партияси вилоят кенгаши биринчи котиби Р.Ҳамроқулов ва туман ҳокими Э.Умматов меҳнат ва уруш фахрийларига байрам совғаларини улашдилар.

■ **Шуҳрат ҚАРШИЕВ**

## ҚЎША ҚАРИГАНЛАР ҚУТЛАНДИ

Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб Андижон вилояти Избоскан туманида хотин-қизлар қўмитаси, ижтимоий таъминот, ХДП туман кенгаши, «Нуроний» жамғармаси ва маданият ишлари бўлимлари қўша қариганлар қутлаш маросимига бош бўлишди. Бу тадбирга 63-100 ёшли нуроний отахон ва онахонлар таклиф этилдилар.

Етмиш-етмиш беш йил давомида ҳаётнинг қувонч ва ташвишларини биргаликда баҳам кўрган Мирзавой ота ва Инобатхон буви Расулова, Тешавой ота ва Каримахон буви Эргашеваларнинг ҳавас қилгулик, Одилжон ота ҳамда Майрамхон буви Эрматова, Хотамжон ота ва Меҳринса буви Жўраевалар ўз ҳаёти ва меҳнат фаолиятлари ҳақида гапириб беришди.

Санъаткорларнинг ижро этган куй-қўшиқлари ва рақслари даврага кўтаринкилик бахш этди. Тадбир сўнггида қўша қариган отахону онахонларга ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## КИТОБЛАР ИНЪОМ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ва Бухоро вилоят ҳокимлиги матбуот бошқармаси 4,5 миллион сўмлик китобларни вилоят таълим муассасаларига совға қилди.

— Вакилларимиз олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида бўлганларида, — дейди вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи Шавкат Иноятов, — кутубхоналарда ижтимоий-сиёсий, бадиий адабиётлар, ўқув қўлланмалари етарли эмаслигига амин бўлдилар. Бу камчиликни тўлдириш мақсадида хайрли ишга қўл урдик. Бухоро давлат университети, Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси, Тиббиёт институтлари, академик лицейлар, Жондор туманидаги 5 ҳамда Бухоро шаҳридаги 16-мактаб жамоалари бундан тўла баҳраманд бўлишди.

Вилоят бошқармаси «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган китоблардан ўқув муассасалари жамғармасини бойитишга кўмаклашишни яна давом эттиради.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЧИҚИНДИДАН — СПОРТ АНЖОМЛАРИ

Бошқа жойда бўлгани каби Қашқадарёда ҳам спортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. «Насаф» жамоасининг муваффақиятли тўп сураётгани, ўқув масканлари, маҳаллаларда ёш, умидли спортчиларнинг кўпайиб бораётгани ҳам шундан. Бу ўз навбатида спорт ашёларига талабни оширмоқда.

— Биз бўз, яъни газмол тўқиймиз, — дейди «Яккабоғ тўқимачилик» очиқ ҳиссадорлик жамияти раҳбари И. Назаров. — Туман ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши билан янги цех ташкил этдик. Ўзимиз тайёрлаган дастгоҳлар ёрдамида чиқиндилардан футбол ва волейбол дарвозалари учун махсус тўрлар тўқий бошладик. Дастлаб 500 дона тўр учун буюртма олгандик. Ҳозирча 360 дона тўрни Китоб, Шаҳрисабз, Қамаши туман мактабларига сотдик. Анча маҳсулот ҳомий сифатида бепул берилди. Энг муҳими яна 20 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

БАНК ВА МИЖОЗ

# ҲИСОБЛИ ҲАМКОР — АЙРИЛМАС ДЎСТДИР

**1995 йилда ташкил этилган «Асака» банк ўтган етти йил мобайнида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтисодий жиҳатдан бақувват филиаллар тизимига эга бўлган молиявий муассасага айланди. Хозир у жаҳондаги энг нуфузли 1000 та банк қаторидан муносиб ўрин эгаллаб турибди. Универсал фаолият юритаётган банк мижозларни жалб этишнинг турли шаклларидан самарали фойдаланяпти**

Фарҳод Абдураимов Қумқўрғонда катта бўлган. Еши қирқни қоралаган бўлса-да, ҳали ўзини қувонтирадиган бирор иш қилмаганидан афсусланиб юрарди. Ўзича турли режалар тузарди-ю, лекин амалга оширишни ўйласа, юраги орқага тортарди, чунки ҳар қандай амалий фаолият, аввало, моддий асосни талаб этади. Ана шундай ўйда юрган кезлари мактабдош дўстларидан бири яхши таклиф айтиб қолди. «Сенда ташкилотчилик қобилияти бор, агар киришсанг, сен уддалайдиган иш бор. Бизда нима кўп — жун кўп. Йилига ҳар хонадонда кам деганда 4-5 килограмм жун тўпланади. Уларни тозалаб, йигириб, хорижга экспорт қилса бўлади»...

Бу гап Фарҳодни ўйлантириб қўйди. Ҳақиқатдан ҳам, уйларда жун бўлиши табиий, лекин улардан фойдаланиш муаммо. Очиғи, у аҳолидан сотиб олинадиган жунни кўз олдига келтирар, лекин қайта ишлашни, кейин сотиб пулга айлантиришни тасаввур қила олмасди. Шу боис, бу масалада тажрибали одамлар билан маслаҳатлашди, зарур маблағни ҳисоб-китоб қилди ва бир қарорга келгач, ўтган йилнинг май ойида «Асака» банкнинг вилоят филиалига мурожаат этди. Банк ходимлари Ф. Абдураимовнинг таклифига эътибор билан қарашди. Шундай қилиб, Қумқўрғон туманидаги «Мустақилликнинг 10 йиллигига» масъулияти чекланган жамиятнинг жунни қайта ишлаш бўйича фаолият кўрсатадиган корхо-

1

насига кредит ажратиш масаласи ўрганиб чиқилди.

Тўғриси, лойиҳа жиддий, лекин жозибадор ва айни пайтда таваккалчилик ҳам бор эди. Ҳужжатлар ўрганилиб, тадбиркорга асбоб-ускуна сотиб олиш, уни ўрнатиш ва ишга тушириш учун имтиёзли кредит ажратилди. Дастлабки ишлов беришга мослаштирилган ускуналарни Россиянинг «Возрождение-Текс» фирмаси тақдим этди. Қайта ишланган жун асосан Россияга жўнатилиши мўлжалланганди. Қумқўрғон тумани эмас, балки Сурхон воҳаси учун ҳам муҳим бўлган корхонани қисқа муддатда ишга туширишга муваффақ бўлинди. Шу тариқа чўпонлар, мол боқаётган хонадонлар учун жунни корхонага ортиқча ташвиш ва харажатсиз сотиш имконияти юзага келди.

Банкнинг вилоят филиали аҳолининг транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида ҳам ишбилармонларга пешвоз чиқмоқда. Масалан, «Шавкатжон» масъулияти чекланган жамиятга 10 та «СамКочАвто» автобуси ва Ангор туманидаги «Уста» жамоа хўжалигига 10 та «Тико» автомобили сотиб олиш учун кредит маблағи ажратди. Ушбу лойиҳалар бўйича 28 киши иш билан таъминланди. Юзлаб йўловчилар узоғи яқин, оғири енгил бўлганлиги учун тадбиркорларга ташаккур айтишмоқда. Шу билан бирга, уларда йўлкира бошқаларникидан анча паст. Яна бир диққатга сазовор томони, олинган кредит фойдаси билан банкка қайтарилмоқда. Шундай қилиб, молиявий муассасаларнинг ишбилармонлар билан ҳамкорлиги натижасида мижозлар сафи кенгаймоқда.

Вилоят филиалининг қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан ҳамкорлиги ҳам яхши самара бермоқда. Воҳадаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланаётган ўндан ортиқ ташкилот банк мижозидир. Чори Тиллаев раҳбарлик қилаётган «Истиқлол» кичик корхонаси ўз фаолиятини бино ва хонадонларни таъмир қилиш билан бошлаган эди. Қурилиш материалларига бўлган эҳтиёж корхона фаолиятини кенгайтиришни, бу эса катта молиявий маблағни талаб қиларди. Ҳозир бу ерда турли ўлчамдаги бетон плиталар, пойдевор блоклари тайёрланмоқда. Ишчиларнинг ойлик маошлари ҳам юқори. Ваҳоб Абдусатторов раҳбарлик қилаётган 1-ХРУни фақат Термизда эмас, балки воҳада яхши билишади. Корхонанинг йиллик бажарадиган иш ҳажми 1 миллиард сўмдан ошиб кетди. 200 нафар ишчи ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган бу корхонада ҳам кредит маблағларини қайтариш вақтида амалга оширилмоқда.

Кейинги пайтда банкда қишлоқ хўжалигидаги мулкдорлар билан ҳам ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Шулардан бири Қумқўрғондаги «Умид» фермер хўжалигидир. Тажрибали деҳқон Худойберди Худойшукуров 2001 йилда банкка мурожаат қилиб, уч йил муддатга 6,8 млн. сўм кредит олди. Биринчи навбатда у таъмирланган трактор ва қўшимча агрегатлар сотиб олди. Ҳозир пахта ва ғалла етиштиришда тумандаги илғор фермерлар қаторидан жой олди. Бизнес-режа ва ҳисоб-китобларнинг аниқлиги боис, олинган маблағни банкка қайтаришда ҳам шартномага қатъий риоя қилинмоқда. Фермернинг бу йилги режалари чакки эмас. Ҳисоб-рақамида пули, ихтиёрида техникаси бор.

«Соҳибкор» агрофирмаси билан қилинган ҳамкорлик ҳам яхши самара беряпти. Асқарали Аҳмедов хусусий мулк эгаси бўлгунга қадар турли раҳбарлик ишларида тажриба тўплаган. Қишлоқ хўжалигида, айниқса ёз ойларида юзлаб тонна мева ва сабзавотларнинг нобуд бўлиб кетиши сир эмас. Мазкур йўналишда бирор иш қилиш истаги уни тинч қўймади. Консерва, турли хил сок, томат пастаси ва минерал сув ишлаб чиқарадиган

2

кенг тармоқли агрофирмани ташкил қилишга бел боғлади ва молиявий ёрдам сўраб банкка мурожаат қилди. Бир маротаба кредит олиб, уни вақтида қайтарди ва жорий йилнинг бошида яна унга 30 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу йилги пишиқчилик мавсумига агрофирма жамоаси ҳозирдан пухта тайёргарлик кўрмоқда. Маҳсулотларини нафақат ички бозор, балки хорижга ҳам жўнатиш йўллари изланяпти.

Молиявий муассаса хориж инвесторларини жалб қилиш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. «Сурхонтекстиль» акциядорлик жамиятида ташкил этилган «Суртекс» Ўзбек — Америка қўшма корхонаси бунинг натижасидир. Корхонани замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган. У ишга тушгач, йилига 3800 тонна йигирилган калава ип ва 8 млн. погонметр трикотаж мато ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг жаҳон андозалари даражасида бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, боиси улар асосан экспортга жўнатилади. Ушбу лойиҳа қиймати 11,5 млн. еврога тенг. Дастлаб 6,6 млн. евро кредитни қўшма корхонага ажратиш кўзда тутилмоқда. Бу ерда юз ишчи ўринлари яратилади. Янги корхона тўлиқ ишга тушгач, йилига 5,6 млн. евро валюта келиб туша бошлайди.

Ўтган йили филиал кичик ва ўрта бизнес субъектларига 728 миллион сўм миқдорида кредит ажратди. Шундан 221 млн. сўми саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 224 миллион сўми қурилиш ва хизмат кўрсатишга, деҳқон ва фермер хўжаликларига 36 млн. сўм, 247 млн. сўм ҳунармандчилик, хомашёни қайта ишлаш соҳаларига йўналтирилган ҳамда 36 млн. сўм микрокредитлар берилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқаришни молиялаштиришга, қишлоққа саноатни киритишга эътибор қаратилди.

Жойларда минибанклар очиш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, шу йўл билан мижозлар сафини кенгайтириш борасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили Денов ва бу йил Бойсун туманларида очилган минибанклар фикримизнинг далилидир. Бир йил ўтмасданоқ Денов шаҳридаги минибанкда мижозлар сони юздан ошиб кетди. Шундан деярли етмиштаси кичик ва ўрта бизнес субъектларидир.

Бойсун туманидаги минибанк ҳам мижозларни жалб этишда кенг қамровли ишларни олиб бормоқда. Вилоят филиали ушбу мижозларга 53 миллион сўм кредит маблағлари ажратди. Бу уларнинг бошқа ташкилот ва муассасалар билан муомалаларини тез ва соз амалга ошириш имкониятини яратди. Масалан, Бобоқул Исаев бошлиқ «Зафар» фермер хўжалиги 3 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, ана шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлди. Натижада хўжаликда деҳқончилик билан бирга чорвачилик ҳам ривожланмоқда.

Вилоят филиали зиммасига ўтган йили тугатилган Ангор тумани филиалининг мижозларига хизмат кўрсатиш вазифаси ҳам юклатилди. Банк ходимлари собиқ қўшнилардан қолган салбий оқибатларни бартараф этиш, баъзи муаммоларни ечиш, ўз вақтида қайтарилмай қолган қарзларни маъмурий органлар ёрдамида ундириб олиш борасида қатор ишларни амалга оширдилар.

Ҳисобли дўст — айрилмас, дейди донолар. Ана шу халқ мақоли банк ва мижоз ўртасидаги ҳамкорликка ҳам шиор бўлиши мумкин. Бу эса банк ходимларининг ҳам, улар билан ҳамкорлик қилиб барака топишни, бойишни ўйлаган тадбиркорларни ҳам бир-бирларига пешвоз чиқишга, доимий ҳамкорликка чорлайди.

■ **Илёс ТЎЛАКОВ,**
**Маъмур ҚИЁМОВ**

3

## XORIJDA

### НАТИЖАСИЗ ЯКУНЛАНДИ

Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташаббуси билан ташкиллаштирилган Абхазия-Грузия «хавфсизлик бўйича ишчи гуруҳи»нинг Сухумида бўлиб ўтган навбатдаги учрашуви самарасиз якунланди. Бу ҳақда Абхазия делегацияси раҳбари, Абхазия мудофаа вазири ўринбосари Гиви Агрба маълум қилди. Учрашувда муҳокама этилган масалалар бўйича бир тўхтамга келинмади. Яъни Абхазия Кодорск дарасининг юқори қисмида назоратни кучайтириш учун тинчлик кучларининг қузатув постини ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайди. Грузия эса аввал имзоланган ва ҳали-ҳануз томонлар можаросига сабаб бўлаётган «ҳужжатда бундай постни ташкил этиш кўзда тутилмаган» дея Абхазия делегацияси фикрларига қўшилмади.

### НЕФТЬ БАЗАСИГА ҚУРОЛЛИ ҲУЖУМ

Чеченистон пойтахтидаги «Грознефтгаз» ОАЖга қарашли «Гойт-Офт» нефть базасига тунда қуролланган жиноятчилар томонидан ҳужум уюштирилган. Корхонанинг матбуот маркази етакчиси Руслан Мартаговнинг хабар беришича, қуролланган жиноятчилар билан база соқчилари ўртасидаги отишмада жиноятчиларнинг қўли бироз устунлик қилган. Натижада улар соқчиларни базанинг маъмурий биносига қисиб қўйган ва иккита нефть резервуарини миналаштирган. Улардан бири, яъни 3 минг тонна сиғимли резервуар портлатилган, иккинчиси эса нимадир сабаб бўлиб портламаган. Унда 2 минг тонна нефть бор эди.

Отишмада қўриқлаш хизматининг икки вакили жароҳатланган. Жиноятчилар учта автоматни қўлга киритиб, ғойиб бўлишган.

### АВТОБУСНИ ПОРТЛАТИШДИ

Покистоннинг порт шаҳри Қарачида автобус портлаши оқибатида 14 киши ҳаётдан кўз юмди. Улардан 11 нафари французлар эди.

Оға-хон касалхонасининг бош шифокори Надим Мустафохоннинг айтишича, турли даражада жароҳат олган 22 киши шифохонага келтирилган.

Аниқланишича, чоршанба куни эрталаб Қарачи шаҳридан йўлга чиққан автобусни бир террорчи портлатиб юборган. Автобусда французлар ва покистонликлар бор эди.

Худди шу террор акти муносабати билан Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот котиби Нирупама Рао хоним бу воқеага Ҳиндистоннинг ҳеч қандай алоқаси йўқлиги ҳақида баёнот берди. «Биз ҳар қандай террорчилик актларига қаршимиз. Ҳиндистон терроризм билан муроса қилолмайди» деди у.

### ЗАҲАРЛИ ГАЗЛАРГА ҚАРШИ

Жанубий Корея ҳукумати футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтадиган 10 та шаҳарга атмосферада заҳарли газлар бор-йўқлигини дарҳол сезадиган 30 та қурилма ўрнатишга буйруқ берди. Бу ишлар мамлакат Мудофаа вазирлиги томонидан қисқа муддатларда бажарилиши лозим. Бу қурилмалар ўта замонавий датчиклар билан жиҳозланган бўлиб, атмосферадаги салгина ўзгаришни, яъни заҳарли ислар пайдо бўлиши билан дарҳол зикр этади ва марказий пульт бошқармасига бу ҳақда ахборот жўнатади.

ГЕРМАНИЯ. ДУСЕЛЬДОРФ ШАҲРИ КЎЧАЛАРИ

■ Владимир ПАНОВ олган сурат

### ЎРМОНЛАРДА ЁНҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Сибир федерал округига қарашли ўрмонларда бир неча кундирки ёнғин давом этмоқда. Ёнғин майдони кенгайиб, 1,5 минг гектарга етди. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Сибир ҳудудий маркази берган маълумотларга кўра, ёнғинга қарши курашга 400 нафар десантчи, ўнлаб техника сафарбар этилган. Ерлик аҳоли ҳам бу ишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Манбаларда қайд этилишича, Тува Республикаси ҳудудида — 700 гектар, Новосибирск вилоятида — 330 гектар ўрмон олов домида қолган. Шунингдек, Чита, Кемерово вилоятлари ва Красноярск ўлкасининг жанубий туманларидаги ўрмонларда ҳам катта ёнғинлар қайд этилган.

Сибир об-ҳавосининг қуруқ ва иссиқ келиши ўрмонларда ёнғин чиқишига сабаб бўлмоқда.

XXI АСР ЁШЛАРИ

# ФРАНЦУЗЛАР ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАШМОҚДА

## САМАРҚАНДЛИК ЁШ ОЛИМАНИНГ КИТОБИ ПАРИЖДА ЧОП ЭТИЛДИ

**Самарқанд давлат чет тиллар институтидаги ўқиш-ўқитиш ва илмий-тадқиқот ишлари хорижда ҳам эътироф этилмоқда. Институтнинг француз филологияси факультети декани, профессор Муҳаммаджон Холбеков илм масканида олиб борилаётган ўқув-тарбиявий тажрибалар ва бу борада эришилаётган ютуқлар борасида тўхталди.**

— Факультет талаба ва магистрларининг кейинги йилларда эришаётган ютуқлари эътирофга лойиқ.

Ҳозир Оксана Покатаева ва Ойша Маметовалар Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ўтказилган республика олимпиадаси ҳамда танловларида ғолибликни қўлга киритди. Ойша Маметова Президент стипендияси, Умида Бозорова эса Навоий стипендияси соҳибалари бўлишди. Кўплаб талаба ва магистрларимиз Франциядаги олий даргоҳларда ўз малакаларини оширдилар.

**— Институтда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида эътиборга молик ишлар қилинмоқда. Шу асосда талаба ва магистрлар ўқув ҳамда тадқиқот ишларини ҳам бажармоқда. Ана шулар ҳақида фикр билдирсангиз?**

— Шогирдларимиздан бири — ёш ўқитувчи Саодатхон Дониёрованинг «Ўзбек тили дарслиги» китоби Парижда чоп этилди. Саодатхон талабалик йилларидаёқ таржима ва тадқиқот ишлари билан жиддий шуғулланди. Унинг таржимасида канадалик фарангийзабон адиб Габриэль Раунинг «Умр оқар дарё» романи «Жаҳон адабиёти» журналида чоп этилди.

**— Ёш олиманинг китоби ҳақида сўз юритсангиз?**

— Йил бошида институтимизга хушхабар келди. Саодатхон Дониёрова ёзган китоб «Ларматак» нашриётида кўп нусхада чоп қилинди. Уч юз саҳифадан иборат китоб фарангийзабон ўқувчиларга мўлжалланган. Унда мустақил Ўзбекистон тарихи, маданияти, адабиёти, халқимизнинг жаҳон айвонида бўй кўрсатаётган урф-одатлари, бугуни, ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида мухтасар сўз юритилган. Дарслик «Евро-Медитеране» жамияти томонидан танланиб, жамият президенти Регвин Филипп Байе хоним томонидан нашрга тайёрланган.

Китоб баҳона жонажон Ўзбекистонимизни Франция кенг танилаётган ва ўзбек тилига қизиқишнинг кучаяётганлигини хорижлик дўстларимиз эътироф этишмоқда. Дарсликнинг «Тарихга назар», «Ўзбек тили», «Ўзбекистон маданияти», «Кундалик ҳаёт ҳақида суҳбат», «Французча-ўзбекча», «Ўзбекча-французча» луғат боблари фикр-мушоҳадаларга бой. Айниқса, «Ўзбек тили» қисмида тилимизнинг фонетик ва синтактик қурилиши ҳамда грамматик қоидалари ҳақида француз тилида сабоқ берилган. Ҳар бир сабоқ учун машқлар киритилган. Луғатда эса икки мингдан ортиқ ўзбекча ва французча сўзлар, иборалар, афоризмлар, мақол ҳамда маталлар берилган. Энг муҳими, ўзбекча матнларнинг лотин алифбосида тайёрланганлиги ўқувчига қулайлик туғдирган. Албатта, бундай нашрлар иқболи порлоқ ёшларимизга нисбатан ифтихор туйғуларини жўш урдиради.

■ **Суҳбатдош: Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХОТИРА

# ШОҲМОТГА ЎХШАЙДИ АСЛИ БУ ДУНЁ

Азмиддин Хўжаев юртимизда замонавий шоҳмотни оммалаштирган бўлса, Мамажон Муҳиддинов Ўзбекистон шоҳмотини ривожлантирди, дунёга танитди!..

Шоир ёзганидай: «Шоҳмот абадийдир, шеър абадий, юриш тугамасу сўз бўлмас тамом». Лекин инсонлар ўтади. Кечагина шоҳмот ҳақида куйиб-пишиб китоблар, мақолалар ёзиб юрган, уни ривожлантириш учун ўзини ўтга, чўққа уришга тайёр Мамажон Муҳиддинов энди орамизда йўқ. Унинг 75 йиллик таваллуд тўйи нишонланишига атиги уч ой қолганди.

Бугун унинг 60 йиллик таваллудида айтган сўзлари ёдимга тушди: «Мен имконим борича республикамизда шоҳмотни ривожлантиришга ҳаракат қилдим. Беш мингга яқин мақола ёздим. Китобларим чиқди. Жамоатчилик юмушлари, бола-чақа ташвишлари ва илмий ишларимга вақт топиш осон бўлмади, албатта. Баъзан вақтни жуда қизғандим. Бу соғлигимга зарар келтирган бўлса-да, бир нарсадан хурсандман — одамлар мени танийди, билади. Қаёққа бормай турли саволларга тутишади. Демак, бекорга меҳнат қилмабман, изсиз яшамабман...»

Минг шукрки, у яна 15 йил қизғин фаолиятини давом эттирди. Ўзи эккан ниҳолларнинг меваларидан бахраманд бўлди. 1992 йили терма жамоамиз Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасида кумуш медални қўлга киритганда Мамажон аканинг боши осмонга етди, ёш шоҳмотчиларимиз Осиё, жаҳон чемпиони бўлишганда кўнгли бир қарич ўсди, юртдошларимиз олдинма-кетин гроссмейстер унвонига лойиқ кўрилганда қалби ғурур-ифтихорга тўлди. Ахир, у шундай қутлуғ муваффақиятлар келиши учун ярим асрдан зиёд вақт кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлади, умрини бахшида қилди.

Дарҳақиқат, юртимиз шоҳмоти ривожини Мамажон Муҳиддиновсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шоҳмот бўйича Ўрта Осиёда биринчи спорт устаси бўлган ҳам, собиқ иттифоқда қадимий ўйин тарихидан илк номзодлик диссертацияси ёқлаган ҳам, 40 йилдан зиёд республика шоҳмот федерациясига жонкуярлик билан раҳбарлик қилган ҳам, юртимизда юзлаб оммавий мусобақаларни, Азмиддин Хўжаев, Георгий Аъзамов хотираларига бағишланган халқаро турнирларни уюштирган ҳам, пойтахтимизда шоҳмот-шашка клуби қурилишини тезлаштирган ҳам, ойнаи жаҳонда «Шоҳрух» кўрсатувини ташкил этган ҳам, сеҳрли ўйинга оид элликка яқин китобни ёзган ёки ўзбекчалаштирган ҳам, республикамиздаги барча марказий газета-журналларда шоҳмот бўлимлари очган, танловлар ўтказган ҳам (хусусан, «Ўзбекистон овози» газетаси билан 1956 йилдан буён ҳамкорлик қиларди), энди доналарни теришни ўрганган болакайдан тортиб, гроссмейстерларгача сабоқ берган ҳам, масъулиятли турнирларда зафар қучган ҳам, кейинроқ янги авлодни ғолибликка етаклаган ҳам, мусобақаларни одилона бошқарган ҳам, 15 йил шоҳмотсевар зиёлиларнинг «гап»ига файз бағишлаган ҳам Мамажон ака эди.

Баъзан ўйлаб қоламан, у бу ишларга қандай улгурди экан? «Математикларнинг ҳисоблашича, шоҳмот ўйинининг дастлабки ўн юришидан кейин шунчалик кўп вазиятлар юзага келади, уларни кўриб чиқиш учун ер курраси даги жами одам бирваракайига ишга тушган ҳолда 200 миллиард йил доналарни у хонадан бу хонага суришлари лозим. Аммо инсон миясининг минг-минглаб тутқич бермас имкониятлар орасидан энг керакли сини ажратиб олиб, ўшалар устида мулоҳаза юритиш хусусиятига эга». Ҳа, Мамажон ака ҳам онгли умри давомида минглаб вазифалардан энг кераклиларини танлаб олиб, улар устида бош қотиргани учун шундай ақл бовар қилмас ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди.

Икки хонали уйда катта оиласи билан яшаб, тўрт бор Ўзбекистон чемпиони, республикада хизмат кўрсатган мураббий, халқаро тоифадаги ҳакам унвонларига эришди, шоҳмот тарихига оид номзодлик диссертациясини, минглаб мақолаларини ёзди. Турмуш машаққатларини 30 йил бирга кечирган умр йўлдошидан айрилди. Бу жудолик уни ойлаб тўшакка михлади. Фарзанд доғида куйди. Хиралашган кўзларини бир неча бор операция қилдирди. Ҳар гал тақдир синовларидан мардона ўтиб, эзгу ишини давом эттирди.

Яхшиямки, ҳар бир эзгу ишнинг мукофоти бор. Мамажон Муҳиддинов ўзи шоҳмот ватанларидан бири деб илмий жиҳатдан асослаган жонажон Ўзбекистонимизнинг шоҳмот мамлакатлари қаторидан ўрин олганини кўрганда фахрланди. Гроссмейстерлар — Сайдали Йўлдошев, Рустам Қосимжонов, иқтидорли ёшлар — Сарвиноз Эргашева, Юлдуз Ҳамрокулова ва бошқа ўнлаб шоҳмотчиларимизнинг кўша-кўша муваффақиятларини кўрганда «бекорга меҳнат қилмабман, яшамабман», дея ўз ишларидан, умридан мамнун бўлди. Шоҳмотни ривожлантиришдаги хизматлари юксак тақдирланиб, 70 ёшини нишонлаган йилда Ўзбекистон Президенти Фармонига кўра, «Дўстлик» ордени билан мукофотланганда, у шоҳмотчига ҳурмат кўрсатиладиган давр келганини, оқил раҳбарларимиз борлигини айтиб қўлларини дуога очди.

«Шоҳмот абадийдир, шеър абадий, юриш тугамасу сўз бўлмас тамом». Лекин одамлар ўтади, уларнинг армонлари қолади. Мен-ку ишонаман, Мамажон Муҳиддинов орзу қилгандай шоҳмот ҳар бир ўзбек оиласининг маънавий мулкига айланади, пойтахтимизда муҳташам Шоҳмот уйи бунёд этилади, республикамизда шоҳмот нашрлари фаолият кўрсатади, ўзбек гроссмейстери жаҳон чемпиони бўлади... Мен яна шунга ишонаман, Мамажон Муҳиддиновнинг ёрқин хотираси шоҳмот мухлислари қалбидан ҳеч қачон ўчмайди, таваллуд тўйлари нишонланаверади, унинг номи билан аталадиган шоҳмот мактаблари, кўчалар пайдо бўлади, хотиравий мусобақалар уюштирилади. Ҳали қанчадан-қанча авлод шоҳмотга шайдолик ва фидойилик борасида ундан ибрат олаверади.

■ **Асрор МЎМИНОВ**

✧✧✧



**Суратларда:** шоҳмот билимдонлари Улуғбек Элбеков (чапда) ва Мамажон Муҳиддинов (архивдан); М. Муҳиддинов яратган адабиётлар.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

# ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЛЕКТРОН ДИСКЛАРДА...

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан «Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши» номли электрон диск (СД) яратилди. У мактаб ўқувчилари, ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

Яратилган СДни ўзликни англашнинг муҳим манбаи деб аташ мумкин. Зеро, электрон дисклар келажак авлодда ўзликни англаш, аждодларга ҳурмат, Ватанга садоқат каби муқаддас туйғуларнинг шаклланишига хизмат қилувчи энг тезкор ва ишончли воситалардан эканлиги борган сари аён бўлмоқда. Бугун компьютери бўлмаган биронта ҳам олий ёки ўрта-махсус ўқув юрти йўқ. Ҳаттоки, ўрта мактабларда ҳам бир неча компьютерлардан иборат махсус синфлар ташкил этилган. Ўқувчилару талабаларнинг кўпчилиги бирон-бир соҳани мукаммал эгаллашда қоғоз китобларга қараганда электрон дисклар анча ўнғай эканлигига амалда ишонч ҳосил қилмоқдалар. Бир томондан масофадан туриб ўқишдек энг илғор педагогик технологиялар оммалашиб бораётган, иккинчи томондан турли информацион хуружлар авж олаётган, баъзан эса ахборот алмашинув майдонларида росмана жанглар кетаётган ўта масъулиятли даврда миллий-диний қадриятлар таянч нуқта ва тўғри йўл кўрсатувчи ишончли воситалардан ҳисобланади. Шу боис, маънавий баркамол авлод тарбиясида беқиёс катта аҳамиятга молик азалий қадриятларимизни қайта тиклашга алоҳида эътибор берилмоқда.

2001 йилнинг июнь-август ойларида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши» мавзуида Бухоро, Самарқанд, Хива, Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Уларда республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларидан элликка яқин академик ва фан докторлари, профессорлар, етмишдан ортиқ фан номзодлари, доцентлар, олтмиш тадқиқотчи ва аспирант, ўттиздан ортиқ дин арбоби, турли ташкилотларнинг раҳбарлари, жами икки юз элликка яқин кишининг маъруза ва ахборотлари тинглаб, муҳокама қилинган эди.

Маърузаларда истиқлол йилларида миллий-диний қадриятларимизни қайта тиклашнинг назарий ва амалий жиҳатлари, ислом дини ва ахлоқи, тафсир, ҳадис, фиқҳ ва калом илмлари, «Авесто» китоби, Имом ал-Бухорий ва бошқа таниқли диний алломалар мероси, ўзбек тили ва ёзуви, мумтоз ва замонавий адабиётимизда миллий-диний қадриятларнинг бадиий ифодаси ҳамда улардан ёш авлод тарбиясида фойдаланиш йўллари ёритилган. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг мустақиллик йилларида миллий-диний қадриятларимиз борасидаги сиёсати тўғри ва узоқни кўзлаганлиги, у халқимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётганлиги асослаб берилган. Шунингдек, миллий-диний қадриятларимизнинг асрлар оша эл-юрт фаровонлиги ва осойишталиги, ахлоқий-маънавий покликка даъват этиб, ҳар қандай зарарли ғояларга кескин зарба бериб, ғаразли ниятларни фош этиб келгани, истиқлол йилларида эса умуммиллий барқарорлик ва бирдамлик омили бўлиб хизмат қилаётгани очиб берилган.

60 босма табоқдан ошиқ ушбу материалларнинг электрон диски ўқитишнинг замонавий технологияларини ҳаётга жорий этиш тамойилига тўла мос келади.

■ **Неъмат ЖАББОРОВ**

МУНОСАБАТ

# ЮРТ ҲАҚИДА ҚАСИДА

Одам боласи ўз маънавий ва моддий имкониятлари даражасига қараб катта-кичик мақсадларга интилиб яшайди. Баъзан бу интилишлар дунёсида шу қадар ўралашадики, ҳатто ундан ташқаридаги ҳаётни у қадар ҳис қилолмай қоладиди.

Ёзувчи Шойим Бўтаев, режиссёр Баҳодир Аҳмедов, оператор Марат Солиев ҳамкорлигида яратилган «Боғ» кўп қисмли видеофильмини томоша қилаётиб, хаёлимга келган дастлабки фикр шу бўлди. Видеофильмда кўнгилга яқин мусиқа оҳанглари жон бахш этган табиат манзаралари билан тез-тез алмашиниб туради.

Яшил яп-роқлари шамолда шовуллаган теракзорлар, тошларни ўпиб, умбалоқ ошаётган сой тўлқинлари — булар шунчаки суврат тарзида томошабин нигоҳидан ўтиб кетиб қолмайди. Қадрдон юртнинг бир парчаси бўлиб кўздан кўнгилга ўтади.

«Қанчалар гўзал!» деган қувончли овоз келади, ичичингдан. Ва ўзингнинг шу гўзалликнинг шунчаки томошабини эмаслигингдан, шу гўзалликка бутун жону жаҳонинг билан боғлиқ эканлигингдан яна бир карра баландлайсан.

Муаллифларнинг асосий ғоясини ўзида мужассамлаштирган Улғай эна эри Отақулнинг манглай тери, қийин заҳмат билан бунёд қилиб кетган боғини ўз шаъни, номус-ориҳақида кўпроқ ўйласалар-да, улар Улғай энанинг меҳри қаршисида чекинишга мажбур бўлишади.

Ҳа, катта муҳаббат ҳар қандай қарши кучни ҳисоблашишга ва чекинишга мажбур этади.

Видеофильм муаллифлари бу фикрни воқеаларга сингдира олган. Улғай эна боғни ўз қонуний ворисига — невараси Рустамбекка топширишни истайди. Рустамбек ҳам ана шу бебаҳо меросга лойиқ инсон бўлиш, ўзини англаш, ҳаётда ўрнини топиш учун ҳаракат қилади.

Теграсида юз бераётган ҳар бир яхшилик одамни шу ҳаётга, шу юртга маҳкамроқ боғлайди. Инсон яхшиликни ҳис этгач, «Ҳа-а, шунинг учун ҳам яшаса ўсмир боласи — ҳамма-ҳаммаси томошабинда «Дунёда барибир яхшилик ва яхшилар кўп, шунинг учун боғлар авлоддан-авлодга ўтади, шунинг учун юрт омон» деган бир руҳиятга таскин, тасалли бўлгувчи хулоса беради.

Видеофильмда ортиқча бақириқ-чақириқларсиз, зўриқишсиз ҳаёт кўринишлари жилваланади. Агар теранроқ таҳлилга киришиб кетсанг, яна ҳам мукаммаллаштиришга эҳтиёжи бор образлар, воқеалар топилади. Аммо, муҳими, «Боғ»ни томоша қилгач, кўнгил бир кўзғалади, бир соғиниш, бир мунаввар туйғуларга бойийди.

■ **Қутлибека РАҲИМБОЕВА**

СПОРТ

# ЎН БИТТА ЖАВОБСИЗ ТЎП

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионатига саралаш учрашувлари давом этмоқда. Ўтган куни Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Шри-Ланка футболчиларига қарши илк ўйинни ўтказди. Вакилларимиз рақиблар дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритиб, дастлабки уч очкога эга бўлишди. Қитъа чемпионати финал босқичига чиқишлари учун ўсмирларимизга бугун Қирғизистон футболчилари билан ўтадиган учрашувда дуранг натижа ҳам кифоя қилади.

Мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси ҳам биринчи ўйинда мухлисларни хурсанд қилди. Вакилларимиз Туркманистон футболчиларини йирик ҳисобда (7:0) мағлуб этишди. Ҳамюртларимиз бугун Непал футболчилари билан учрашади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

# БЕЛБОҒЛИ КУРАШ: ДУНЁ САРИ ЙЎЛ

7-8 май кунлари Намангандаги «Паҳлавон» спорт мажмуида белбоғли кураш бўйича анъанавий иккинчи халқаро турнир бўлиб ўтди.

Унда юртимиз полвонларидан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон вакиллари ҳам қатнашдилар. Беллашувларда 150 нафардан зиёд полвон етти вазн тоифасида гиламга чиқишди.

60 кг. вазн тоифасида ҳамюртимиз Акмал Мўминов қозоғистонлик Бовур Калгаевнинг курагини 10 сонияда ерга теккизди. Қозоғистонлик Раҳим Тошматов билан сирдарёлик Жўрамурод Холназаров (81 кг.) ўртасидаги кураш узоқ давом этди. Жўрамурод беллашув давомида учта усул қўллаб, ғолиб чиқди.

Мусобақанинг барча вазн тоифаларида республикамиз полвонларига тенг келадигани топилмади. Акмал Хусниддинов (60 кг. Тошкент), Алишер Латипов (66 кг. Наманган), Шуҳрат Исоқов (73 кг. Андижон), Ихтиёр Эгамов (81 кг. Андижон), Нуриддин Ғозиев (90 кг. Наманган), Фахриддин Болтабоев (100 кг. Фарғона), Шавкат Омонуллаев (+100 кг. Андижон)лар ўз вазн тоифаларида барча рақибларидан устун келиб, бош совринга эгалик қилишди.

Юртимиз полвонлари турнир давомида юксак маҳоратлари ва малакали кураш услубларини намойиш этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар.

— Бу бежиз эмас, — дейди мусобақа ҳаками Жуматой Нуршин. — Ҳозир деярли барча вилоятларда кураш мактаблари, тўгараклар ишлаб турибди. Агар шундай нуфузли турнирлар тез-тез ўтказилса, қисқа фурсатда белбоғли кураш ҳам дунё спорт турлари орасидан ўзига хос ўрин топишига ишонаман.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«КИЙИМ»
очиқ акциядорлик жамияти

акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2002 йил 14 июнь куни соат 12.00 да жамият биносида бўлади.

КУН ТАРТИБИ:
1. «Кийим» ОАЖнинг 2001 йил молия хўжалик фаолияти натижалари ва 2002 йил истиқболи тўғрисида» бошқарув раисининг ҳисоботи.
2. Тафтиш ҳайъатининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 2001 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича аудитор текшируви хулосасини тасдиқлаш.
4. Йиллик балансни тасдиқлаш.
5. 2002-2003 йил бизнес-режани тасдиқлаш.
6. 2001 йил учун дивидендлар тўлаш тўғрисида.
7. Турли масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

(Газетанинг навбатдаги сони 14 май, сешанба куни чиқади).